

**«Toshkent issiqlik markazi» ДУК молиявий - хўжалик фаолияти якунлари бўйича
Ижрочи орган – Директорнинг 2022 йил учун Ҳисоботи**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли
Фармони .

«Toshkent issiqlik markazi» ДУК Тошкент шаҳридаги иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчи асосий корхона бўлиб, шаҳарнинг 75% эҳтиёжини қоплайди. «Toshissiqquvvati» ДУК (2022 йил 01.07.дан «Veolia Energi Tashkent» ЯТ МЧЖ) корхонанинг улгуржи харидори ҳисобланади ва ўз навбатида Тошкент шаҳри аҳолисига ҳамда бошқа истеъмолчиларга иссиқлик энергиясини реализация қилади.

Давлат корхонасининг расмий номи - «Toshkent issiqlik markazi» Давлат унитар корхонаси

1.1. Тармок: Коммунал хизмат кўрсатиш

1.2. Мулк шакли - давлат

1.3. Ташкил этилган йили – 1969 й., Қайта ташкил этилган сана – 01.07.2001 й. ОАЖ га, 23.12.2016 й. "Toshkent issiqlik markazi" ДУК га.

1.4. Муассис – Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси.

1.5. Бошқарув органи: Яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган – Директор – Султонов Ш.Р.

1.6. Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, п/б 164

1.7. Веб-сайт – www.tashteplocentral.uz,

1.8. Электрон почта манзили - tashteplocentral@mail.ru.

1.9. Банк реквизитлари – «Ипотека-Банк» шаҳар филиали, МФО - 00419, ИНН 200524323, х/р 2021000060018848001

1.10. 2023 й.01.01. ҳолатига ишлаб чиқариш қувватларини ишлатиш коэффициенти – 20,49

Давлат корхонаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари қарорларини ва бошқа қонун ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ва фармойишларини, бошқа норматив қонун ҳужжатларини, шунингдек Низомни қўллайди.

1. Умумий таснифи ва ишлаб чиқариш фаолияти.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУКнинг асосий ва ягона ишлаб чиқариш фаолияти Тошкент шаҳри аҳолисини ҳамда бошқа истеъмолчиларни иссиқлик энергияси ва иссиқ сув таъминоти бўйича эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУК таркибига тўққизта иссиқлик манбалари ва ёрдамчи цехлар қиради, булар: электроцех, ИАЎцеҳи, МТЦ, Гараж, темир йўлдан юкларни қабул қилиш участкаси.

Иссиқлик манбаларидаги сув иситиш қозонларини умумий миқдори 48 донани ташкил этади қозонларнинг ўрнатилган қуввати 4580 Гкал/соат ва буғ қозонларини миқдори 8 донани ташкил этади, уларнинг ўрнатилган қуввати 99 Гкал/соат, шу жумладан:

1-ИМ да бта қозон – 500 Гкал/с

7-ИМда – 5та қозон – 400 Гкал/с

3-ИМда – 5та қозон – 400 Гкал/с

8-ИМда – бта қозон – 300 Гкал/с, 2 та буғ

4-ИМда – 12та қозон – 900 Гкал/с, 2та

қозони-9 Гкал/соат

буғ қозони -30 Гкал/соат

9-ИМда – 5та қозон – 540 Гкал/с, 2та буғ

5-ИМда- 8та қозон – 700 Гкал/с

қозони-30 Гкал/соат

6-ИМда – 4та қозон – 300 Гкал/с

10-ИМда – 5та қозон – 540 Гкал/с, 2та буғ

қозони-30 Гкал/соат

2. 2022 йилда 7804,0 минг.Гкал миқдорида иссиқлик энергияси етказиб берилган, бу ўтган 2021 йилда ишлаб чиқарилган 8468,8 минг.Гкалга нисбатан 664,8 минг.Гкалга ёки 7,8 % га кам, режалаштирилган 7800 минг.Гкалга нисбатан 100,05 %ни ташкил этди. Иссиқлик энергияси узатилишини ўтган 2021 йилга нисбатан пасайиши, об-хавонинг нисбатан илик келиши, 2021-2022 й.й. иситиш мавсумини эрта якунланиши ҳамда 2022-2023 й.й. иситиш мавсумини нисбатан кеч бошланиши сабабли содир бўлди. Бундан ташқари 2022 йил декабр ойидаги аномал совуқ ҳарорат газ босимини пасайишига ҳамда иссиқлик энергиясини тармоққа узатиладиган ҳароратини пасайишига олиб келди, бу ҳолат шунингдек иссиқлик энергиясини узатилишига таъсир қилди.

Тошкент шаҳар истеъмолчиларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш шартномага асосан, улгуржи – харидор қайта сотувчи «Veolia Energi Tashkent» ХК МЧЖнинг қатъий топшириғи бўйича топширилган параметрларга мувофиқ, амалдаги газ босимини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда, хатоликлар мавжуд эмас. Корхонада иссиқлик энергиясини меъёрдан юқори бўлган йўқотишлар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26.05. даги ПҚ-3012-сонли «2017 - 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори ижросини келгусида таъминлаш бўйича корхонада табиий газ ва электр энергияси истеъмолини пасайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Энергоресурслар сарфини ҳамда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш таннарини пасайтириш бўйича чора – тадбирларни амалга ошириш натижасида «Toshkent issiqlik markazi» ДУК 2022 йилда ҚҚСсиз 1344,4 млн.сўмлик 2342,6 минг.м³ табиий газ, 532,5 млн.сўмлик 1360,8 минг.кВт.ч эл.энергия иқтисодига эришилди.

Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш учун қуйидагилар сарф этилди:

Табиий газ – 1028940,582 минг.м ³	ИОМС кислотаси – 135,488 тн.
Электр энергияси – 279148,8 минг.кВт.с	Сульфат кислотаси – 2265,19 тн.
Совуқ сув – 105497,6 минг.м ³	Техник туз – 19195,1 тн.
С/уголь и КУ-2 (пьюролайт) – 41,8 тн.	Мазут – 3062 тн.

Натижада шартли ёқилгининг солиштирма сарфи 158,1 кг/Гкал режага нисбатан 152,7 кг/Гкални ташкил этди, яъни 3,4 %га кам, электр энергиясининг солиштирма сарфи 35,6 кВтч/Гкал режага нисбатан 36 кВтч/Гкални ташкил этди, яъни 0,1 %га кам.

Ҳозирги кунда "Toshkent issiqlik markazi" ДУК тасарруфидаги барча иссиқлик марказларида қуйидаги Автопилот русумидаги (13 та) газ, СВТУ-10М русумидаги (16та) иссиқлик энергияси, Евроальфа русумидаги (26 та) электр энергияси ва СВТУ-10М русумидаги (19 та) совуқ сув ҳисобини юритишнинг замонавий ускуналари ўрнатилган. Ускуналарни ишлатиш муддати якунланганлиги сабабли, заруриятга қараб янги модификациядаги ускуналарга босқичма – босқич алмаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

3. Иссиқлик марказларини 2022-2023 й.й. ҚҚМ тайёрлаш

2021-2022 й.й. иситиш мавсуми талофатларсиз ўтказилди, Тошкент шаҳар Ҳокимининг 2022 йил 31.03.даги «Тошкент шаҳрида 2021-2022 йилдаги иситиш мавсумини якунлаш тўғрисида»ги 323-14-0-Q/22 –сонли Қарорига мувофиқ иситиш мавсуми 2022 йил 01 апрель куни якунланди. Иссиқлик марказлари топширилган режим асосида ишламоқдалар.

Корхона томонидан ««Toshkent issiqlik markazi» ДУК 2022-2023 й.й. ҚҚМга тайёрлаш бўйича чора – тадбирлар дастури» ишлаб чиқилган ва Тошкент шаҳар УЖКХКББда тасдиқланган. Шу жумладан:

- қозонларнинг иситиш юзасини капитал таъмирлаш (1,3,4,5,7- ИМ) – 5 дона
- қозонларнинг жорий таъмири 1,3-10 - ИМ – 56 дона

- насос агрегатларининг капитал ва жорий таъмири 1,3-10 - ИМ – 237 дона
- қувурлар ва ёрдамчи ускуналарнинг иссиқлик саклаш қопламаларининг капитал таъмири – (3,4,7-ИМ) - 1500 м².
- қозон дудбўронларининг коррозияга қарши қопламаларини янгилаш – (3,4,5-ИМ) – 4 дона
- қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш – (5-ИМ,Гараж) - 2 дона
- бакларни капитал таъмирлаш – (7-ИМ) – 1 дона
- қозон дудбўронини алмаштириш – (5-ИМ) – 1 дона
- табиий газ сарфи ҳисобини юритиш мосламаларини Autopilot PRO га алмаштириш (9,10 - ИМ) – 2 дона
- сув тайёрлаш қурилмаларини максимал юкламаларни олишга тайёрлаш:
 - 3,4,5- ИМ Филтрларни ички коррозияга қарши қопламаларини тиклаш йўли билан капитал таъмирлаш – 3 дона:
 - филтрларга сульфоуголь юклаш – 10тн.
 - филтрларга КУ-2 (пьюролайт) юклаш – 10тн.
- Мазут захирасини ярашиш – 4500 тн
- Кимёвий реагентлар захирасини тузиш:
 - туз – 2500 тн., - сульфат кислотаси – 300 тн., - ИОМС – 30 тн.

Тасдиқланган иш режасига мувофиқ 2023 йил 01.01.ҳолатига қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- 1,3,4,5,7- ИМларда қозонларни капитал таъмири – 5 дона
- 1,3-10 - ИМда қозонларнинг жорий таъмири – 56 дона
- 1,3-10 - ИМда насос агрегатларининг капитал ва жорий таъмири– 237 дона
- 3,4-ИМларда қувурлар ва ёрдамчи ускуналарнинг иссиқлик саклаш қопламаларининг капитал таъмири – 1350 м².
- 3,4,5-ИМларда қозон дудбўронларининг коррозияга қарши қопламаларини янгилаш– 3 дона
- 5-ИМ, Гаражда қайта тикланувчи энергия манбалари (қуёшли сув иситкичлари)ни ўрнатиш – 2 дона
- бакларни капитал таъмирлаш – (7-ИМ) – 1 дона
- қозон дудбўронини алмаштириш – (5-ИМ) – 1 дона
- табиий газ сарфи ҳисобини юритиш мосламаларини Autopilot PRO га алмаштириш – 2 дона
- 3,4,5- ИМда Филтрларни ички коррозияга қарши қопламаларини тиклаш йўли билан капитал таъмирлаш – 3 дона.
- филтрларга сульфоуголь юклаш – 10 тн.
- филтрларга КУ-2 (пьюролайт) юклаш – 10тн.
- мазут захирасини яратиш – 4500 тн.

2022-2023 й.й. КҚМ тайёргарлик кўриш бўйича чора – тадбирлар режасига мувофиқ, 2022 йил 01.10. ҳолатига кўра барча ишлар тўлиқ ҳажмда бажарилди. Ишлаб чиқариш зарурияти муносабати билан, молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ҳамда Тошкент шаҳрининг иссиқлик таъминотини ишончлилигини ва сифатини ошириш мақсадида қўшимча равишда 4,5,8,9,10-иссиқлик марказларида 9 дона қозонлар мукамал таъмирланди, 7-ИМда таъминловчи қувурда мукамал таъмир, 5 ва 8 – иссиқлик марказларида 2 дона иссиқлик амлашинув ускуналарида мукамал таъмирлаш, 7-ИМда дренаж сувлари баки ва ишчи сув бакини алмаштириш шунингдек бошқа турдаги ишлар амалга оширилди.

Таъмирлаш ишларининг харажатлари 20 285 млн.сўмни, шу жумладан капитал таъмирлаш ишлари учун 18 324 млн сўмни ва жорий таъмирлаш ишлари учун 1 961 млн.сўмни ташкил этди.

Ускуналарни реконструкция қилиш харажатлари – 13 315 млн.сум.
Автомашиналарни харид қилиш – 2 бирлик DAMAS-2 – 137,5 млн.сум

Автомототранспорт воситаларини сақлаш учун (Гараж – 76 бирлик техника) - 1 982 млн.сум.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1-илова 14-банди.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУК тасарруфидаги иссиқлик марказларини 2022-2023 йиллар куз-киш мавсумига тайёрлаш вақтида бюджет маблағлари кўзда тутилмаган. Таъмир ишларини молиялаштириш манбаси – корxonанинг ўз маблағлари.

Иссиқлик марказлари ускуналарини иш ҳолатида сақлаб туриш ҳар йили мукамал таъмир ишларини бажариш йўли билан амалга оширилади (ҳозирги кунда қозонларнинг ФИК 90%дан кўпни ташкил этмоқда), лекин келгусида иқтисодга эришишни фақатгина ишлаб чиқаришни модернизация, реконструкция ва янги асбоб – ускуналар билан таъминлаш ҳисобига амалга ошириш мумкин, мазкур ишлар учун мақсадли маблағлар лозим (иссиқлик марказлари 1969-1986 йиллар оралиғида ишга туширилган, 2023 йил 01.01. ҳолатига асосий воситаларни ишдан чиқиши 69,6% дан кўпини ташкил этмоқда).

4. 2022 йилда «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан тўғридан – тўғри хорижий инвестициялар жалб этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1-илова 32-банди.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУК учун 2021-2022 йилларда бюджет маблағлари ажратилмаган.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУК томонидан Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиниши режалаштирилмаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1-илова 5-банди.

«Toshkent issiqlik markazi» ДУКда мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари мавжуд эмас Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1-илова 4-банди.

5. Моддий – техник таъминот. Шартномавий – ҳуқуқий ишлар

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни тасдиқланганлиги муносабати билан хом – ашё ва материаллар электрон магазин орқали харид қилинади - «Toshkent issiqlik markazi» ДУК давлат харидори сифатида белгиланган.

Корхонада «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун талабларини таъминлаш тўғрисида»ги директор буйруғлари (2022 й.08.01.даги 13-сонли ва 2022 й. 29.03.даги 48-сонли) қабул қилинган бўлиб, мазкур буйруғларга мувофиқ барча турдаги харид жараёнлари белгиланган, харид жараёнларини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун масъул шахс тайинланган ва харид комиссиясининг таркиби тасдиқланган.

2022 йилда «Toshkent issiqlik markazi» ДУК да 682 дона хўжалик шартномалар тузилган, шу жумладан:

- «Toshissiqquvvati» ДУК ва «Veolia Energi Tashkent» ЯТ МЧЖ билан иссиқлик энергиясини узатиш учун.

- табиий газни етказиб бериш учун

- электр таъминоти учун етказиб бериш учун

- сув таъминоти учун

- бошқа турдаги таъминотчилар билан (моддий – техник таъминот) умумий киймати 33 561 млн.сўм бўлган 483 дона микдориди

- пудратчи ташкилотлар билан умумий киймати 30 873 млн.сўм бўлган 198 дона микдориди

2022 йилда «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан киймати 1 987 млн.сўм бўлган 40 дона тўғридан – тўғри шартномалар тузилган (автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, метрологик хизматни инспекцион назорати, архив хизматлари, СМР, электр машиналарни авариявий таъмирлаш, гараж ўлчов воситаларини текшириш, тиббий дори воситаларни харид қилиш ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2021 йилдаги ПФ-6247 сонли Фармони 1-илова 3-банди.

2022 йилда кимёвий реагентлар харид қилинди, шу жумладан техник туз – 18210 тн., сульфат кислотаси – 2108,38 тн., ИОМС – 124,68 тн., мазут – 4048,62 тн., с/уголь и КУ-2 (пьюролайт) – 41,8 тн., металлопрокат, подшипниклар, электродлар, цемент. 2023 йил 01.01. ҳолатига туз захираси 3386,649 тоннани ташкил этмоқда, сульфат кислотасининг захираси 315,85 тоннани, ИОМС захираси 38,03 тоннани ва мазут захираси 9880,063 тоннани ташкил этмоқда.

Металл чиқиндиларини топшириш:

- қора металл – режа бўйича 300 тн., амалда 2022 йилда 313,315 тонна ҳажмида топширилган

- рангли металл – режа бўйича 2091 кг., амалда 2089,65 кг. ҳажмида топширилган.

Тузилган шартномаларни шартларига риоя қилиш бўйича назорат юритилмоқда. Дебитор қарздорлик мавжуд бўлган ҳолатларда қарздор корхоналарга эътирозномалар тақдим этилган (2022 йилда жами 29 та эътирозномалар тақдим этилган, шу жумладан 3 таси иссиқлик энергиясининг улгуржи харидор – қайта сотувчиси «Toshissiqquvvati» ДУКга ва 2 таси «Veolia Energi Tashkent» ЯТ МЧЖга). «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан қуйидаги суд органларига аризалар тақдим этилган: ҳакамлик судига – 2 ариза, савдо саноат палатасига – 3 ариза, туманлараро иқтисодий судига – 3 ариза. Даво аризалари қаноатлантирилган.

6. Молиявий хўжалик фаолияти.

Молиявий ва бошқа турдаги ҳисоботлар корхонанинг молиявий ҳолатини аниқ акс эттирмоқда ва тасдиқланган шаклларга мувофиқ белгиланган муддатларда тузилмоқда.

1. 2022 йил 01.01. ҳолатига узок муддатли инвестициялар 27,6 млн.сўмни ташкил қилган, 2023 йил 01.01. ҳолатига – мавжуд эмас. «Toshkent issiqlik markazi» ДУК «ТИМ КОММУНАЛ» ПБК МЧЖ таъсисчиси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 03.06.даги «Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 350-сонли қарорига мувофиқ «ТИМ КОММУНАЛ» ПБК МЧЖ ва «Tejamkor ta'mir» МЧЖ тугатилган

2. 2022 йил 01.01. ҳолатига ишга туширилмаган асосий воситаларни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш бўйича капитал маблағларнинг киймати 663 млн.сўмни ташкил қилган, 2023 йил 01.01 ҳолатига 373 млн.сўм. Мазкур объектлар бўйича ишлар якунланмаган, уларни бажарилиши бўйича асосий воситаларнинг киймати ишга тушириш далолатномаси билан реконструкцияга йўналтирилган иш кийматига нисбатан оширилади.

3. «Toshkent issiqlik markazi» ДУК устав фонди 5 875 млн.сўмни ташкил этади.

4. 2022 йил 01.01. ҳамда 2023 йил 01.01. ҳолатига қисқа муддатли ва узок муддатли банк кредитлари мавжуд эмас.

5. "Toshkent issiqlik markazi" ДУК асосий воситаларининг қиймати 2023 йил 01.01.ҳолатига 171 848 млн.сўмни ташкил этди, қолдиқ қиймати 52 298 млн.сўм. Асосий воситаларнинг эскириш даражаси 69,6 % ни ташкил этмоқда ва уларни иш ҳолатида ушлаб туриш учун қўшимча капитал маблағлар талаб этилмоқда, лекин дебиторлик қарздорлигининг мавжудлиги қўшимча капитал маблағларни ажратиш имконини бермаяпти.

6. 2022 йил давомида сотилган маҳсулотлардан олинган даромад ҚҚСсиз 832 378 млн.сўмни, шу жумладан иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарилиши 831 126 минг.сўмни ташкил этди.

Иссиқликни ишлаб чиқариш учун умумий харажатлар миқдори тахминан 892 969 млн.сўмни ташкил этади, шу жумладан: - ишлаб чиқариш таннари – 853 761 млн.сум, давр харажатлари – 39 208 млн.сўм.

Асосий фаолиятнинг бошқа турдаги даромади 8 189 млн.сўмни ташкил этди.

2022 йил давомида тахминий зарар 52 402 млн.сўм (нархларни ошганлиги ҳисобига иссиқлик энергияси тарифларида кўзда тутилмаган газ, эл.энергияси ва совук сув бўйича қўшимча сарф – харажатларни мавжудлиги). 2022 йилнинг якуний молиявий натижаси 167,8 млн.сўм миқдоридagi соф фойда ҳажмида режалаштирилган (2022 йилга мўлжалланган молиявий режани режалаштиришда 2022 йил 1 июндан иссиқлик энергияси ва асосий хом – ашё (газ, сув, электр энергияси) тарифларини ўсиши прогноз қилинган, тарифлар кўриб чиқилмаган.Тарифни қайта кўриб чиқиш масаласи ноаниқ муддатга сурилган. Мазкур ҳолат режага нисбатан товар маҳсулотини пасайишига ва зарарнинг мавжудлигига таъсир қилган).

Кўрилган зарарнинг асосий сабаби мукамал бўлмаган тариф сиёсати ҳисобланади. Асосий хом-ашё нархларини ошганлиги, иссиқлик энергиясининг амалдаги тарифи корхонанинг барча харажатларини қопламайди. 2019 йил 1 октябрдан ҚҚС ставкаларини 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилганлиги сабабли табиий газ ва эл.энергияси нархлари 4,3%га ва 2021 йил 24 январдан сув нархи 29%га ошган. Натижада ҚҚС ставкаларини пасайиши ҳисобига 2021 йилда қўшимча харажатлар – 31,9 млрд.сўмни, сув бўйича – 8,6 млрд.сўмни ва жами 40,5 млрд.сўмни ташкил этди. 2022 йилнинг якуни бўйича ҚҚС бўйича зарар 29,4 млрд.сўмни, сув бўйича – 9,5 млрд.сўмни ташкил этди.

Молиявий ҳолат ҳамда зарарларни мавжудлиги масаласи бўйича корхона томонидан бир неча мартаба юқори турувчи ташкилотларга мурожаат йўлланган. Ўтказилган таҳлиллардан сўнг «Toshkent issiqlik markazi» ДУКга тегишли ҳукумат қарорларига асосан маҳаллий бюджет ҳисобидан субсидия ажратилди, ҚҚС ставкасини пасайтирилганлиги ҳисобига 2021-2022 йиллар (жорий йилнинг 1 май ҳолатига) юзага келган зарарларни қоплаш учун маблағлар ажратилди.

Бунда 2022 йил май-декабр ойлари учун ҚҚС бўйича қопланмаган зарар ҳозирдан 14,85 млрд сўмни ташкил этди.

2022 йилнинг 01.01. ҳолатига «Toshkent issiqlik markazi» ДУК 2019-2021 йилларда асосий хом ашё тарифларига мос равишда иссиқлик энергиясининг тарифини ўз вақтида киритилмаганлиги сабабли юзага келган қопланмаган зарари 21 515 млн.сўмни ташкил этди.

2023 йилнинг 01.01. ҳолатига «Toshkent issiqlik markazi» ДУК қопланмаган зарар, 2022 йил якуни бўйича молиявий натижаларни (зарар 52 402 млн.сўм) ва мақсадли тушумлар (46472 млн.сўм) ҳисобга олган ҳолда, 27 445 млн.сўмни ташкил этди.

7. 2023 йил 01.01. ҳолатига иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиз 106500 сўм/Гкални ташкил этиб (2019 йил 15.08.да амалга киритилган). 2019-2021 йилларда асосий хом-ашё нархларининг ошганлиги туфайли корхонанинг барча харажатларини қопламайди.

Тарифни қайта кўриб чиқиш масаласи ноаниқ муддатга олиб қўйилган. Табиий газ, электр энергияси ва совуқ сувнинг тарифдаги улуши 88,7%ни ташкил этмоқда ва қўшимча харажатларни корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан қоплаш имкони мавжуд эмас. Иссиқлик энергияси тарифларини қайта кўриб чиқмасдан ва нархларни фарқи сабабли юзага келган зарарни қоплаш ишларини амалга оширмасдан 2022 йил якунлари бўйича «Toshkent issiqlik markazi» ДУК фаолиятининг ижобий молиявий натижаларга эришиши мумкин эмас.

2023 йил 01.01. ҳолатига 1 темир йўл вагонини ташиш тарифи ҚҚСсиз 46155 сўм/вагонни ташкил этмоқда.

8. Дебитор ва кредитор қарздорлиги.

Асосий хом – ашё нархини ўсиши ва иссиқлик энергиясининг тарифларни қайтадан кўриб чиқмаслик дебитор ва кредитор қарздорлигини ўсишига тўғридан - тўғри таъсир қилади. 2023 йил 1 январь ҳолатига «Toshkent issiqlik markazi» ДУКнинг кредиторлик қарздорлиги дебиторлик қарздорлигидан 65,9 млрд.сўмга ошиб кетади, бу йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат бўлиб, корхонанинг пул маблағларини етишмаслигини ва молиявий ҳолатини ёмонлашганлигини кўрсатмоқда.

2021 йил сентябр ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш тўғрисида»ги 594-сонли Қарори чиқарилган бўлиб, унга асосан «Toshkent issiqlik markazi» ДУКга табиий газ, электр энергияси, иссиқлик энергияси, совуқ сув ва солиқ тўловлари бўйича 2021 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра юзага келган қарздорлик тўловларини 5 йил муддатга кечиктириб тўлаш имконияти тақдим этилди.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУКнинг узок муддатли дебитор қарздорлиги 1 642 763 млн.сўмни ташкил этади.

2023 йил 1 январь ҳолатига корхонанинг жорий дебитор қарздорлиги 530 272 млн. сўмни ташкил этади ва йил бошига нисбатан (263 599 млн.сўм) 2 баробар ўсган. Муддати ўтган жорий қарзлари – 384 151 млн.сўм.

Корхонанинг асосий дебитори бўлиб «Toshissiqquvvati» ДУК ҳисобланади, 2023 йил 1 январь ҳолатига иссиқлик энергияси учун қарздорлик миқдори 524 353 млн.сўмни ва тўлов муддати узайтирилган қарздорлик 1 642 763 млн.сўм (98,9%)ни ташкил этади, бунинг асосий қисмини қайтариш имкони йўқ бўлиб, меъёрдан ортиқ истеъмол оқибатида йўқотилган ва қисман аҳоли тўловларидан йўқотилган маблағлар ҳисобланади.

"Toshkent issiqlik markazi" ДУКнинг бошқа узок муддатли кечиктирилган мажбуриятлари (кредитор қарздорлиги) 1 656 751 млн. сўмни ташкил этди.

2023 йил 1 январь ҳолатига корхонанинг жорий кредитор қарздорлиги 596 163 млн. сўмни ташкил этади, ва йил бошига нисбатан (292 832 млн.сўм) 2 баробар ўсган. Муддати ўтган жорий қарзлари – 333 171 млн. сўм. Корхонанинг асосий кредитори «Худудгазтаъминот» АЖ («Худудгаз Poxtaxi» газ таъминоти филиали) ҳисобланади 561 274 млн.сўм (94,2%) ва тўлов муддати узайтирилган қарздорлик 1 632 707 млн. сўм (97,4%). Муддати ўтган жорий қарзлари – 333 171 млн.сўм.

Дебитор ва кредитор қарздорлигининг тизимли равишда мавжудлигининг асосий сабаби, иссиқлик энергиясининг улгуржи харидори «Toshissiqquvvati» ДУКнинг тўлов қобилиятсизлиги ва уни пул маблағлари билан қопланмайдиган, меъёрдан ортиқ иссиқлик энергиясини истеъмол қилиши ҳисобига зарар кўриб ишлаши ҳисобланади.

2022 йил «Toshissiqquvvati» ДУК ва «Veolia Energi Tashkent» МЧЖ ХК томонидан олинган иссиқлик энергияси учун пул маблағлари тушуми умумий ҳисобланган жами 955,8 млрд. сўмдан 691,2 млрд. сўмни (72,3%) ташкил этади. Натижада 2022 йил учун жами табиий газ ҳажми учун 679,1 млрд. сўм ҳисобланган ҳолда, факатгина 354,6 млрд.сўм (52,2%) тўланган.

Корхона томонидан харажатларни қисқартириш ва энергоресурсларни иқтисод қилиш, шунингдек дебитор ва кредитор қарздорликларини қисқартириш бўйича ишлар олиб борилмоқда, лекин Тошкент шаҳрининг иссиқлик тизимидаги мазкур масалани комплекс тарзда ҳал этмасдан, корхона мустақил тарзда молиявий ҳолат масалаларини ҳал

этиш имконига эга эмас. Ҳозирги кунда «Toshkent issiqlik markazi» ДУК молиявий ҳолати масаласини ҳал этиш учун қуйидаги масалаларни комплекс равишда кўриб чиқилиши талаб этилади:

1. Иссиклик энергиясини ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган барча харажатларини коповчи ва соф фойда таркибида модернизация ишларига сарфланишини кўзда тутувчи маблағларни ҳисобга олган тарифни тасдиқлаш, ҳамда келгусида асосий хом ашёлар (табiiй газ, совук сув, электр энергияси) учун тарифлар оширилганда иссиклик энергияси учун янги тарифларни бир вақтда киритиш.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан табiiй газ, электр энергияси учун ҚҚС ставкаларини пасайтирилиши ҳисобига ва совук сувнинг оширилган тарифларини қўлланиши оқибатида юзага келган қўшимча харажатларни (зарарни) коплаш учун субсидия ажратиш.

3. Иссиклик таъминоти ташкилотларининг кредитор қарздорлигини беш йил муддатга музлатиш ва кредитор қарздорлик ичида турган жаримв. Ижро йигими. Давлат божи ва пенялардан келиб чиққан қўшимча зарарларни ҳисобдан чиқариш.

4. «Toshkent issiqlik markazi» ДУКда истеъмол қилган асосий хом ашёлар (табiiй газ, электр энергияси ва совук сув) учун тўловлар муддатини узайтириш бўйича асослантирувчи ҳужжат мавжудлигида, таъминотчи ташкилотлар томонидан дебитор қарздорликни ундириш бўйича суд органларига мурожаат этмаслик. Иситиш мавсуми даврида МИБ томонидан иссиклик таъминоти корхоналари ҳисоб ракамларига банд қўймаслик.

5. «Toshissiqquvati» ДУКнинг иссиклик энергиясини меъёрдан юқори бўлган истеъмоли бўйича зарарларини ҳисобдан чиқариш ва бу маблағларни кейинчалик «Toshkent issiqlik markazi» ДУКнинг кредитор қарздорлигини коплашга йўналтириш.

7. 2023 йил 01.01. ҳолатига таркибий рўйхат 1224 кишини ташкил этди. 2022 йилда иш ҳақи фонди 57 733 млн.сўмни ташкил этди. Бир кишининг ўртача иш ҳақи 3 926 060 сўмни ташкил этди

Иш ҳақининг тўлови касса орқали нақд пул маблағлари ва пластик карталари орқали амалга оширилади. Ойлик иш ҳақини тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмас.

Жамоа шартномаси иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи маҳаллий норматив ҳужжат булиб ҳисобланади. Ходимлар билан меҳнат шартномасини тузиш жараёнида ЎЗР МК бўйича ўрнатилган тартибга қатъий риоя қилинади. Корхонанинг ташкилий тузилмаси тасдиқланган, штат жадвали сон меъёрлари ва Классификаторга мувофиқлаштирилган, ходимларнинг режадан ортик сони мавжуд эмас.

8. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги.

Ҳар йили касаба уюшмаси билан биргаликда меҳнат муҳофазаси бўйича чора – тадбирлар ишлаб чиқилади, корхона бўлинмаларида хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳант шароитлари яратилади.

2022 йил ҳисобот даврида "Toshkent issiqlik markazi" ДУК объектларида бахтсиз ходисалар содир бўлмади. 2022 йилда шикастланишни олдини олиш мақсадида "Toshkent issiqlik markazi" ДУК объектларида, тасдиқланган жадвалга мвофик 12 маротаба "Техника хавфсизлиги куни" ўтказилди, мазкур тадбирларни ўтказиш давомида ТХК, ТЭҚ ва ЁХҚ бўйича 412 хатоликлар ва оғишлар аниқланди ва бартараф этилди. Барча янги ишга қабул қилинувчилар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ММ, ТХ ва ЁХ бўйича кириш йўриқномаси ўтказилади, 2022 йилда жами 114 нафар ходимга, шу жумладан МТХ-6 нафар, ишчилар – 108 нафар.

Жадвалга мувофик ИМ, цех ва бошқармада ишчи – ходимларнинг билим синовлари ўтказилди, шунингдек аварияга ва ёнғинга қарши машғулотлар ўтказилди (жами 230) Аварияга қарши ва ёнғинга қарши машғулотларда 1371 нафар киши иштирок этдилар.

2022 йилнинг якуни бўйича "Toshkent issiqlik markazi" ДУК объектларида 3 та I – даражали ва 31 та II-даражали ўчишлар содир бўлди, шу жумладан тезкор ишчи – ходимлар айби билан 12 та ўчишлар, бошқа ташкилотлар («Toshkent shahar ЕТК» АЖ) айби билан – 22 та. Содир бўлган бузилишлар бўйича тафтиш ишлари ўтказилди, ускуналар иш режимини бузилишига олиб келган сабаблар кўрсатиб ўтилди ва келгусида шу каби бузилишларга йўл қўймаслик бўйича тадбирлар белгилаб олинди. Тафтиш далолатномалари билан белгилаб берилган барча тадбирлар бажарилди. Ускуналар ишида бузилишларга йўл қўйган шахслар жазоландилар.

2022 йил давомида ёнгин ва ўт чиқиш ходисалари содир бўлмади. Йил давомида "Toshkent issiqlik markazi" ДУК барча бўлинмаларида ёнгинга қарши рейдлар ўтказилди. Текшириш вақтида 132 та бузилишлар аниқланди ва уларнинг барчаси ўрнатилган муддатларда бартараф этилди. Барча объектларда ёнгинга қарши машғулотлар (жами 121 та машғулот), ишчи – ходимларни ёнгин хавфсизлиги бўйича билимлар текшируви ўтказилди.

Барча объектларда ёнгинга қарши сув таъминоти мавжуд, барча объектлар ўт ўчиришни бирламчи воситалари билан таъминланган, кириш йўлаклари, бино ва иншоотларга кириш жойлари ЁХҚ меъёрлари талабларига мувофиқ. Ёниш хавфи мавжуд бўлган материаллар ЁХҚ талабларига мувофиқ сақланмоқда.

9. «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» Дастур

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармонини ижросини таъминлаш мақсадида «Toshkent issiqlik markazi» ДУК томонидан «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» бўйича 2022 йил Дастури ишлаб чиқилган ва ижро учун қабул қилинган.

2023 йилнинг 01.01. ҳолат бўйича умумий қиймати 19791,4 млн.сўмлик чора – тадбирлар бажарилди.

10. Ижро интизоми

Тошкент шаҳар Ҳокимининг 2021 йил 15 февралдаги 178-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сонли Фармонини ижро этиш мақсадида «Toshkent issiqlik markazi» ДУКда 2021 йил 25 февралда «Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида»ги 56-сонли директор буйруғи чиқарилди.

Мазкур буйруқ билан норматив ва раҳбарий ҳужжатларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ижро этилишини назорат қилиш учун доимий – ҳаракатдаги ишчи комиссия тасдиқланди, шунингдек корхонада ҳужжатлар билан ишлашни ташкиллаштириш ва ижро интизоми ҳолатини мониторинг қилиш тартиби ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ижро этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди, ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзосини шахсий жавобгарлиги белгиланди.

2022 йилда «Toshkent issiqlik markazi» ДУК манзилига 1405 донга ҳужжат келиб тушди, шу жумладан 588 та ҳужжат юқори турувчи ташкилотлардан (Ҳокимият, УЖКХКББ, УЖКХКВ) ва 33 донга фуқаролар мурожаати. Барча ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда ва қатъий эътиборга олинади. Келиб тушган ҳужжатлар, расмийлаштирилгандан сўнг оператив тарзда раҳбарга хабар берилади. Ижроси назорати юклатилган раҳбарга ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича тўлиқ ҳажмда жавобгарлик юклатилади. Раҳбарий ҳужжатлар раҳбар ходимлар иштирокидаги режалаштириш бўйича йиғилишларда кўриб чиқилмоқда.

Ижро интизоми тўғрисидаги ҳисобот мунтазам равишда корхона директори ва ҳар чорақда Тошкент шаҳар Ҳокимияти ва УЖКХКББга тақдим этилади.

Доимий асосда «Toshkent issiqlik markazi» ДУК бўлинмаларига ишчи - ходимларни юридик характерли масалалари, ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан таништириш ҳамда илтимос ва истаклари бўйича Бошқарманинг мутахассислари томонидан сайёр учравшувлари амалга оширилмоқда.

2022 йил якуни, корхонада иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, хом-ашё, реагентлар ва энергоэлитувчилардан оқилона фойдаланиш бўйича ишларни амалга оширилаётганини далолат бермоқда. Мураккаб молиявий ҳолатга қарамадан 2021-2022 й.й. иситиш мавсуми талофатларсиз ўтказилди, «Toshkent issiqlik markazi» ДУК иссиқлик марказларни 2022-2023 й.й. иситиш мавсумига тайёрлаш ишлари тасдиқланган жадвалга мувофиқ амалга оширилди, шунингдек барча режалаштирилган ишлар тўлиқ ҳажмда ўрнатилган муддатда амалга оширилди. 2022 йил 22 октябрдан бошлаб барча иссиқлик марказлари «секинлашган айланма ҳаракат» режимига ўтди, яъни ижтимоий – аҳамиятга эга бўлган объектларга иссиқлик узатилиши бошланди, 2022 йил 24 октябрдан бошлаб иссиқлик марказларитопширилган юкламалар режимида ишламоқда.

Тошкент шаҳри истеъмолчиларини иссиқлик энергияси билан таъминлаш шартномасига асосан, улгуржи харидор – қайта сотувчи «Veolia Energi Tashkent» ЯТ МЧЖ томонидан, газ босимини ҳисобга олган ҳолда, қатъий топширилган параметрларга мувофиқ амалга оширилмоқда. 2022-2023 й.й. иситиш мавсумини талофатларсиз ўтказиш ва иссиқлик энергиясини узлуксиз узатиш, иссиқлик энергияси тарифини қайта кўриб чиқиш, дебитор ва кредитор қарздорликни ва сарф-харажатларни қисқартириш, энергоресурслар иктисоди бўйича чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида зарур ишлар давом этирилади. Корхонамиз бўйича меъёрдан ортиқ йўқотишлар мавжуд эмас. Лекин молиявий ҳолат, пул маблағларининг мавжудлиги, иссиқлик энергияси тарифини қайта кўриб чиқилиши мураккаб масала бўлиб қолмоқда, мазкур масала Тошкент шаҳар иссиқлик таъминоти тизимида комплекс тарзда ҳал этилиши лозим, корхона мустақил тарзда ушбу масалани ечиш имкониятига эга эмас.

Директор



Ш.Р.Султонов